

Кассация инстанцияси суд қарорларининг қонуний, асосли ва адолатлилигини таъминлашнинг муҳим кафолатидир

Маълумки, юридик ва жисмоний шахслар қонунга асосан ўзларининг шахсий, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун белгиланган тартибда судга мурожаат қилишга ҳақли.

Бинобарин, Конституциямизга биноан, ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, мансабдор шахсларнинг, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади.

Шу билан бирга, "Судлар тўғрисида"ги қонун ва Фуқаролик-процессуал кодексига киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтирди. Хусусан, фуқаролик судловини юритишда кассация инстанцияси ваколатларининг кенгайтирилиши орқали юқори босқич судлари томонидан суд қарорлари, шикоят ва протест важларини ҳар томонлама текшириш, қўшимча далил, ҳужжат ва ҳолатларга баҳо бериш имкониятлари яратилди.

Мамлакатимиз фуқаролик-процессуал қонунчилигида кассация тартибида иш юритиш билан боғлиқ ваколатлар тубдан кенгайтирилгани бежиз эмас, албатта. Чунки кассация инстанцияси — қонуний кучга кирган, апелляция тартибида кўрилмаган биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорлари ва ажримлари устидан юқори турувчи инстанция судига шикоят ёки прокурор томонидан протест келтирилган фуқаролик ишларини мазмунан қайта кўриш ва қуйи инстанция томонидан йўл қўйилган процессуал хатоликларни бартараф этишда ғоятда муҳим ўрин тутаяди.

Амалдаги Фуқаролик-процессуал кодексининг 348¹-моддасига асосан, қонуний кучга кирган, апелляция тартибида кўрилмаган ҳал қилув қарорлари устидан суднинг ҳал қилув қарори чиққан кундан эътиборан бир йил ичида тарафлар ва ишда иштирок этишга жалб қилинган шахслар томонидан кассация шикояти берилиши ва прокурор томонидан протест келтирилиши мумкин.

Кассация инстанцияси судлар томонидан одил судловни амалга ошириш тизимини янада такомиллаштириш, фуқаролик ишларини ҳал қилишда моддий ва процессуал ҳуқуқ нормаларига қатъий риоя

қилинишини таъминлаш ва шу орқали суд қарорларининг қонуний, асосли ва адолатли чиқарилишига эришиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш механизмини янада кучайтиришга қаратилган.

Бу борадаги статистик маълумотларга кўра, 2014 йилда фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар туманлараро судларида чиқарилган ҳал қилув қарорларининг сони сезарли даражада ортган бўлса-да, 2013 йилга нисбатан кассация инстанциясида кўрилган шикоят, яъни протестлар сони 751 тадан 755 тага кўпайган, холос. Шундан бекор қилинган ҳал қилув қарорларининг сони 17 тага камайган. Бу эса, ўтган йилда ҳал қилув қарорларининг кассация инстанциясида бекор бўлиши 2013 йилдагига нисбатан 2.4 фоизга яхшиланганидан далолат беради.

Фуқаролик ишларини кассация инстанциясида кўришда фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди томонидан иш ҳолатлари ҳамда берилган шикоят ва келтирилган протест важлари ҳар томонлама текширилмоқда. Бунда биринчи босқич судлари тўплаган далил ва ҳужжатлар билан чегараланмасдан, қонунда бегиланган ваколатлар доирасида ишни қонуний ва адолатли ҳал қилишга қаратилган барча процессуал ҳаракатлар тўлиқ амалга оширилмоқда.

Масалан, даъвогар А.Умаров (исм-шарифлар ўзгартирилган) жавобгарлар Ю.Тошев, Л.Тошева, Х.Тошев ва 7-сон давлат нотариал идорасига нисбатан олди-сотди шартномасини қисман ҳақиқий эмас, деб топиш ва уйдан мажбурий тартибда кўчиришни сўраб судга мурожаат қилган.

Даъвогарнинг даъво талаби туманлараро суднинг ҳал қилув қарори билан қисман қаноатлантирилган. Жавобгарлар эса, мазкур ҳал қилув қароридан норози бўлиб, кассация шикояти билан юқори турувчи судга мурожаат қилган.

Айтиш керакки, Фуқаролик процессуал кодексининг 348¹³-моддасига кўра, ишни кассация тартибида кўраётганида суд биринчи инстанция суди ҳал қилув қарорининг қонуний, асосли ва адолатли эканлигини кассация шикояти ва протестдаги важлар ҳамда улар юзасидан билдирилган эътирозлар доирасида текширади. Бунда суд янги далилларни ўрганиб чиқиши ва янги фактларни аниқлаши мумкин.

Иш ҳужжатларидан маълум бўлишича, даъвогар А.Умаров яшайдиган ҳудуддаги фуқаролар йиқинининг қарорига асосан тажриба

хўжалиги еридан якка тартибда уй-жой қуриш учун хўжалик ишчи-хизматчиларига, шу жумладан, А.Умаровга 0,06 гектар ер майдони ажратилган.

Ер майдонига эга бўлганларнинг рўйхати тажриба хўжалиги маъмурияти ва касаба уюшмасининг қарори билан тасдиқланган.

Шу асосда қабул қилинган туман ҳокимининг қарорига биноан, 17-уйга нисбатан А.Умаровнинг мулк ҳуқуқи эътироф этилган.

Сўнгра 7-сонли давлат нотариал идораси томонидан расмийлаштирилган олди-сотди шартномасига кўра, А.Умаров ушбу қарорга асосан ўзига тегишли бўлган 17-уйни Ю.Тошевга сотган.

Биринчи инстанция суди эса, даъвогар А.Умаров мулки билан боғлиқ низоли олди-сотди шартномасининг ҳуқуқий оқибатларини тўғри тушунмасдан, ўзаро шартнома тузилган, деган тўхтамга келган. Яъни янглишган ҳолда, даъвогарларнинг даъво талабларини қисман қаноатлантириш ҳақида барвақт хулоса чиқарган.

Ваҳоланки, Фуқаролик кодексининг 123-моддасида алдаш, зўрлик, кўрқитиш, бир тараф вакилининг иккинчи тараф билан ёмон ниятда келишиши таъсирида тузилган битим, шунингдек, фуқаро оқир ҳолатлар юз бериши туфайли ўзи учун ўта ноқулай шартлар билан тузишга мажбур бўлган, иккинчи тараф эса, бундан фойдаланиб қолган битим (асоратли битим) жабрланувчининг даъвоси бўйича суд томонидан ҳақиқий эмас, деб топилиши белгиланган.

Олий суд Пленумининг 2006 йил 22 декабрдаги "**Суд амалиётида битимларни тартибга солувчи қонунчилик нормаларини татбиқ қилишда вужудга келадиган айрим масалалар тўғрисида**"ги қарори 10-бандида янглишиш таъсирида тузилган битимга таъриф берилган. Яъни битим юзасидан келиб чиқувчи тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўғрисида нотўғри тасаввурга эга бўлиш, яъни тарафларнинг ҳақиқий хоҳиш-иродасини акс эттирмасдан, битим тузилган вақтда тарафлар томонидан назарда тутилмаган ҳуқуқий оқибатларга олиб келган битим — янглишиш таъсирида тузилган битим, деб тушунилади.

Янглишиш ҳар хил ҳолатларда бўлиши мумкин. Музокара вақтида тарафлар бир-бирларини тушунмагани, қонунларни нотўқри талқин қилгани, битимнинг ҳуқуқий оқибатларини нотўғри тасаввур этгани ва бошқа шу каби ҳолатлар бунга мисол бўла олади.

Алдаш — бу бир тарафнинг битим тузилишида назарда тутилган ҳолатларнинг юзага келмаслигини била туриб, атайин иккинчи тарафни битим тузишга ундашга қаратилган айбли ҳаракатидир. Алдаш битимнинг элементларига, унинг доирасидан ташқаридаги ҳолатларга, шунингдек, битимни амалга ошириш юзасидан битим иштирокчиси хоҳиш-иродасини шакллантириш учун аҳамиятга эга бўлган сабаб ва мотивларга қаратилган бўлади.

Айтиш керакки, даъвогар А.Умаров ўз даъво талабларини асословчи далилларни судга тақдим қилмаган. Хусусан, унинг олди-сотди шартномасини ўқимасдан шартномага имзо қўйганлиги ҳақидаги важи ишончга сазовор эмас. Бундан ташқари, даъвогар жавобгар Ю.Тошевнинг алдови билан янгилишиб олди-сотди шартномасига имзо қўйганлиги ҳақидаги важларини тасдиқловчи далилларни ҳам судга тақдим қилмаган.

Юқоридаги ҳолатларни инобатга олиб, кассация инстанцияси суди биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиб, даъвогарнинг олди-сотди шартномасини қисман ҳақиқий эмас, деб топиш ва уйдан кўчириш тўғрисидаги даъво аризасини қаноатлантиришни рад қилиш ҳақида янги қарор қабул қилди.

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, суд тизимининг кассация инстанцияси суд қарорларининг асосли ва адолатли эканини текшириш билан чегараланиб қолмасдан, одил судловнинг самарадорлигини ошириш ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга хизмат қилмоқда.

И.БОЛТАХОДЖАЕВА, фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг судьяси